

O'zbekiston Respublikasi  
Toshkent shaxri  
Mas'uliyati cheklangan  
jamiyat shaklidagi  
*Kamila - Azim Audit*  
auditorlik tashkiloti



Республика Узбекистан  
город Ташкент  
Аудиторская организация в форме  
общества с ограниченной  
ответственностью  
КАМИЛА-АЗИМ АУДИТ

Индекс: 1000001 Toshkent shaxri Yakkasaroy tumani U.Nosir ko'cha 91 uy  
H/r: 2020 8000 6043 1818 5001 "AGRO BANK" Bosh ofis bank kodi: 00394  
STIR: 204943384 XHTUT: 84400 Tel: fax (+99890) 325-92-61 (+99871) 250-14-96

Индекс: 1000001 город Ташкент Яккасарайском район улица У.Носира 91  
P/c: 2020 8000 6043 1818 5001 "AGRO BANK" Главный офис МФО: 00394  
ИНН: 204943384 ОКОНХ: 84400 Тел: (+99890) 325-92-61 fax 250-14-96

№ 29/9

« 28 03 » 2018 yil.

Toshkent shaxri

## ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“КАМИЛА АЗИМ АУДИТ” МСЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти юридик манзили: 100059, Ташкент шаҳар, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси 91 уй, ҳисоб рақами: 2020 8000 6043 1818 5001 АТБ “Агробанк”нинг Бош офиси, банк коди: 00394, СТИР: 204 943 384, ОКЭД: 69202, 20.12.2007 йилдаги № 228 сонли реестр рақами билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 4 январь куни берилган, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида “барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви”ни ўтказиш ҳуқуқини берувчи Серия АФ № 00580 сонли лицензиясига эга. МЧЖ “Gross insurance” суғурта ташкилоти томонидан 31.12.2018 йилда № 11/45/896 сонли аудиторлик ташкилотини суғурталаш полиси берилган.

Мен “КАМИЛА АЗИМ АУДИТ” МСЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти аудитори Саъдуллаев А.Б га Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2009 йилнинг 22 октябрида № 04758 сонли малака сертификати берилган бўлиб, 2019 йил 22 октябргача амал қилади.

Буюртмачи: “Шўрчидонмахсулотлари” АЖ

АЖ манзили: Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Олтин бошоқ даҳаси 1 уй.  
Хизмат кўрсатувчи банки: АТ «Агробанк» Шўрчи филиали, банк коди: 00339. Ҳисоб рақами: 2021 0000 0001 9449 9001.  
КТУТ (ОКПО) - 05579967, ХХТУТ (ОКОНХ) – 19210 коди асосида фаолият кўрсатади.  
СТИР(ИНН): 200 501 368, МНВТ (СОАТО) - 172226. ОКЭД: 10610

2018 йил 05 январдаги № 29/А сонли шартномага асосан: “Шўрчидонмахсулотлари” АЖнинг:

### Молиявий ҳисобот шакллари:

- Бухгалтерия баланси № 1 сонли шакл.
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот № 2 сонли шакл.
- Дебиторлик ва Кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома № 2а сонли шакл.
- Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи.
- Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши.

2017 йил 1 январидан 2017 йил 31 декабригача бўлган давридаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Биз “Шўрчидонмахсулотлари” АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча ҳўжалик юритувчи субъект “Шўрчидонмахсулотлари” АЖ нинг 2017 йил 1 январидан 2017 йил 31 декабригача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий ҳўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

“KAMILA AZIM AUDIT” MChJ  
аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Аудитор:



Саъдуллаев А.Б.

Саъдуллаев А.Б.